

Маълумотнома

2022 йилнинг 4-23 август кунлари Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида мавжуд Телеграм-бот тармоғи орқали “Аноним” саволнома эълон қилинди. Мазкур тадбирда Қўмита марказий аппарати ҳамда тизимдаги ташкилотларнинг 200 нафардан ортиқ ишчи-ходимлари иштирок этишди ва натижада қуйидагилар маълум бўлди.

Мазкур аноним саволнома 15 та саволдан иборат бўлиб, жумладан, “Коррупция нима эканлигини, манфаатлар тўқнашуви нима эканлигини биласизми?”, деган саволларга иштирокчиларнинг **96 фоизи ва 89 фоизи “Ҳа”** деб жавоб беришган.

“Коррупциянинг асосий сабаби нима?” деган саволга иштирокчиларнинг **66 фоизи “Ойлик иш ҳақининг пастиги”** деб жавоб беришган.

“Корхонада қайси жараёнларда коррупция ҳолатлари учрайди?” деган саволга иштирокчиларнинг **39 фоизи – “Ишга киришда, лавозим ўзгартиришда”** деган жавоб беришган.

“Корхонада бирор бир белгилари туфайли бир ходимга нисбатаналоҳида ёки қўшимча имтиёзлар берилиши ҳолатлари мавжудми?” деган саволга иштирокчиларнинг **53 фоизи – “Ҳа”** деган жавобни беришган.

“Корхонада коррупция ҳолати қай даражада, деб ўйлайсиз?” деган саволга иштирокчиларнинг **60 фоизи – “Ўрта (коррупция ҳолатлари ва таниш-билишликлар кўп учрайди, одат тусини олмаган)”** деган жавоб беришган.

“Корхонада коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига қарши чоралар етарли даражадами?” деган саволга иштирокчиларнинг **54 фоизи – “Йўқ”** деган жавоб беришган.

“Сиз ишлаётган жамоада ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилаётган, эгаллаб турган лавозимига мос келмайдиган, ишга умуман келмай ойлик олаётган ва пора бериб ёки олиб иш юритаётган шахслар ҳақида хабарингиз борми?” деган саволга иштирокчиларнинг **45 фоизи – “Ҳа”** жавобни беришган.

Мазкур тадбир натижаларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг марказий аппарати ҳамда тизим ташкилотларида бугунги кунга коррупциявий ҳолатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд. Шунга кўра соҳада, айниқса ҳудудий бошқарма ва хўжаликларда коррупцияга қарши курашиш борасида тизимли равишда ишларни олиб бориш, ишчи-ходимларни ҳуқуқий онгини ошириш борасида ўқув тадбирлари, семинарлар, профилактик чора-тадбирларни кўпроқ ташкил этиш лозим бўлади.

Комплаенс назорат бўлими